O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.M

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 5 май шанба
Сотувда эркин нархда
№ 88 (2650)

## Ўзбекистон — Россия:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

**3 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Россияга жўнаб кетди.**

Ташриф олдидан давлатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

— Россия халқаро майдонда нуфузи анча баланд давлатлар сирасига киради,— деди жумладан Президент. — Давлатлараро муносабатларда унинг катта салоҳияти ва имкониятларининг инобатга олиниши табиий. Бинобарин, у билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, турли соҳалардаги ўзаро алоқаларни янги поғоналарга кўтариш Ўзбекистоннинг эртанги куни учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги ўн йил мобайнида Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида улкан ижобий ўзгаришлар рўй берди. Мамлакат халқаро майдонга чиқди, кўплаб давлатлар билан кенг алоқаларни йўлга қўйдик. Айниқса, яқин шеригимиз саналган Россия билан ҳам алоқаларимиз барқарорлашди. Энди икки томон учун ҳам муҳим вазифа ўзаро тенглик асосига қурилган мавжуд алоқаларни давлатларимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

Бугун Ўзбекистонга Жануб тарафдан таҳдид мавжудлиги кўпчиликка сир эмас. Президент Ислом Каримовнинг сўзларига қараганда, бу қалтис вазиятга эътиборсиз қараб бўлмайди. Мамлакатимизда, қолаверса, Марказий Осиё минтақасида тинчликни сақлаш айни пайтда энг долзарб ва муҳим масалалардан биридир. Хавфсизлик борасида Россия билан ҳамкорликни кучайтириш, айниқса, унинг ҳарбий ва ҳарбий-техникавий имкониятларидан фойдаланиш Ўзбекистон учун жуда муҳимдир. Бу мақсадлар замирида халқимизнинг нафақат бугуни, балки эртанги фаровон ҳаётини таъминлаш ётибди, деди давлатимиз раҳбари.

Бугунги кунда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий соҳадаги салоҳиятдан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Ўтган йили ўзаро савдо ҳажми 1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич қудратли Россия ҳамда юксак тараққиёт сари одимлаётган Ўзбекистон учун камлик қилади. Мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилса, томонлар ушбу рақамни 2 миллиардга кўтариши ҳеч гап эмас, бунинг учун шароит бор, деб таъкидлади Президент.

Россия ҳукумати раислигига Владимир Путин тайинланганидан сўнг, Ўзбекистон-Россия муносабатларида янги саҳифа очилди, десак хато бўлмайди. В.Путин ўзининг давлат раҳбари сифатидаги илк сафарини юртимиздан бошлаши эса Россиянинг Ўзбекистонга қизиқишининг, қолаверса, уни ўзининг Марказий Осиё минтақасидаги стратегик ҳамкори сифатида қадрлашининг яна бир исботи бўлди.

Ўзбекистон демократик Россия билан тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш тарафдори. Шу мақсадда ушбу давлат ташрифига пухта тайёргарлик кўрилди, янги режалар, янги ҳужжатлар устида ишланди. Айни пайтда давлатларимиз ўртасида 150 та ҳужжат имзоланган. Президентимизнинг Россия Федерациясига бу галги ташрифи чоғида яна ўнта ҳужжат имзоланиши кутилмоқда. Жумладан, ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи тўғрисида баёнот, чегаралар дахлсизлигини таъминлаш бўйича шартнома, шунингдек, ҳарбий-техникавий, божхона ҳамда солиқ қонунчилигига оид ҳужжатлар имзоланади.

**Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВЛАДИМИР ПУТИН БИЛАН УЧРАШУВИ

**4 май, Москва. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар беради.**

Бугун Президент Ислом Каримов номаълум аскар қабрига гул қўйиб, фашизм устидан ғалаба қозонилган сана — 9 май арафасида марҳумлар руҳини ёд этди.

Кремлда давлатимиз раҳбари ва унинг рафиқасини расмий кутиб олиш маросимидан сўнг, Ўзбекистон ва Россия Президентлари якка-ма-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг барча жабҳалари атрофлича муҳокама этилди.

Жумладан, суҳбат чоғида давлатимиз раҳбари икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар тузилмасини қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаб, Россиянинг Ўзбекистон бозорида янада фаоллашуви ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлишига эътиборни қаратди. Президентимизнинг фикрича, бу жараён қўшма корхоналар тузиш ва хусусийлаштириш дастурларида қатнашиш шаклида бўлиши мумкин.

Президентлар учрашувида Ўзбекистон-Россия савдо палатасини тузиш тўғрисида сўз борган ва айни масала юзасидан деярли келишувга эришилган. Айни пайтда В. Путин Россия Хавфсизлик кенгашида икки мамлакат ўртасидаги ҳарбий-техникавий алоқалар мониторинги бўйича махсус гуруҳ тузишни таклиф этган.

Мулоқот чоғида Марказий Осиёдаги хавфсизлик масаласига катта эътибор қаратилди. Ислом Каримов Россия билан бу соҳадаги ҳамкорлик минтақада халқаро терроризмга қарши курашнинг муҳим шартларидан бири эканлигини таъкидлади. Жиноий гуруҳларнинг Ўзбекистон ва Қирғизистонга суқилиб кириши қайта такрорланмаслиги учун Россия билан ҳамкорлик зарурдир. Бундай гуруҳлар пайининг қирқилишидан Россия ҳам жуда манфаатдордир. Чунки халқаро терроризм Шимолдаги ҳамкоримизни ҳам четлаб ўтмаётганлиги сир эмас.

Икки давлат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида йиғилиб қолган муаммоларга ечим топиш, ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш борасида фикр алмашилди. Томонлар ҳарбий-техникавий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳаларга оид масалаларни муҳокама қилди.

Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг Қўшма баёноти ҳамда Чегара масаласи бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзо чекди.

1999 йилнинг декабрида В.Путиннинг Тошкентга ташрифи чоғида икки давлат ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома қабул қилинган эди. Ана шу ҳужжатнинг ратификация ёрлиқларини алмашиш ҳақидаги протокол имзоланди.

Шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия, ўзаро савдода билвосита солиқ олиш тамойиллари, контрабанда ва божхона қонунбузарлигига қарши курашда ҳамкорлик, божхонага оид ҳужжатлар ва тартиб-қоидаларни ўзаро тан олиш, божхонадан ўтиш тартибини енгиллатиш ва соддалаштириш, маданий соҳада 2001-2003 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар қабул қилинди.

Кремлдаги тадбирлар ниҳоясига етгач, Президент Ислом Каримов Россия ҳукумати уйига ташриф буюрди. Бу ерда ҳукумат раиси Михаил Касьянов билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда асосий эътибор савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш масаласига қаратилди.

Ўзбекистон-Россия муносабатларида фан ва таълим соҳалари алоҳида ўрин тутади. Президентимизнинг ташрифи дастурига Михаил Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг илмий кенгаши вакиллари билан учрашув киритилгани бежиз эмас. Мазкур учрашувда таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшма тадқиқотларни кўпайтириш ҳақида сўз борди.

Ислом Каримовнинг МДУга ташрифи чоғида бу ерда "Ўзбекистон: Мустақилликнинг ўн йили" мавзуида фотокўргазма ҳам ташкил этилди. Унда етмишдан ортиқ сурат ҳамда юртимизнинг бугуни ва ўтмиши ҳақида батафсил маълумот берувчи лавҳалар намойиш қилинмоқда.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА: ташриф пайти. Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

## ХАВФСИЗЛИК — МУЗОКАРАЛАРНИНГ БОШ МАВЗУСИ

Россия оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг давлат ташрифини кенг ёритмоқда. Жумладан, "Независимая газета" журналист Юрий Егоровнинг мазкур ташрифга бағишланган мақоласини чоп этди. Мақолада ҳар икки мамлакат ўртасида иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланиши алоҳида таъкидланади. Газетанинг ёзишича, минтақавий хавфсизлик масалалари ҳам музокараларда муҳим ўрин тутади.

Бугун Марказий Осиёда юзага келган жиддий вазият Ўзбекистон Президенти 90-йилларнинг биринчи ярмида катта ташвиш билан қилган башорат нақадар тўғри эканлигини кўрсатмоқда. Ислом Каримов ўша вақтдаёқ Марказий Осиё мамлакатлари хавфсизлиги ва минтақанинг ҳали ёш давлатларида демократик жамият барпо этиш йўлида туғилаётган таҳдидлар хусусида хавотирда эканини яширмаган эди.

Ўзбекистон Президенти биринчилардан бўлиб жамоатчиликни Марказий Осиёга диний экстремизм солаётган хавф ҳақида огоҳлантирган эди. Бу таҳдид бошида Афғонистондаги диний ақидапарастлар ва уларнинг қатор ислом давлатларидаги гумаштлари тургани эндиликда барчага яхши маълум. Уларнинг мақсади дунёнинг сиёсий харитасини ўзгартириб, ўз ҳукмронлигини кенг ёйишдан иборат экани сир эмас. Айнан Афғонистондаги кўплаб ҳарбий лагерлар вазиятни беқарорлаштириш ҳамда зўравонлик билан исломлаштириш ғояларини ёйиш мақсадида жаҳоннинг турли мамлакатларига юборилаётган жангарилар ва террорчиларга бошпана бўлмоқда.

Шу боис, деб ёзади журналист, диний экстремистларнинг Марказий Осиёда "исломий тартиб" ўрнатиш тўғрисидаги баёнотларига жиддий ёндашиш зарур. Минтақа давлатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳам, террорчиларнинг янги хуружига асло йўл қўймайди. Бу борада Россиянинг Ўзбекистонга ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан ёрдам бериши табиий. Зеро, Марказий Осиё Россия учун диний экстремизмнинг ўз ҳудудига кириб келишига тўсиқ бўлиб турган ўзига хос истеҳкомдир.

Шу сабабли Ислом Каримовнинг бу галги ташрифи давомида президентлар Россиянинг Ўзбекистонга кўрсатадиган ҳарбий ёрдамини кенгайтиришга доир масалаларни муҳокама қилиши эҳтимолдан холи эмас. Ўзбекистон чеченистонлик жангарилар учун қурол-яроғ ташиш йўлларини тўсиб қўйиш борасида талай ишларни амалга оширмоқда. Россия раҳбарияти буни ниҳоятда қадрлайди.

Ўтган йили Владимир Путиннинг Тошкентга буюрган расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон Президенти билан суҳбати белгиланган вақт доирасидан чиқиб кетиб, уч соат давом этган эди. Айтишларича, суҳбат давомида Ислом Каримов Россия Президентини кўк чой билан меҳмон қилган, Путин эса бундай чойни ниҳоятда хуш кўради. Демак, Россия раҳбари ҳам ўз навбатида Ўзбекистон Президентини ўзбеклар яхши кўрадиган кўк чой билан меҳмон қилса, ажаб эмас.

**(ЎзА).**

## ЮКСАК ЭҲТИРОМ

***Ислом Каримов Россияга иккинчи бор давлат ташрифи билан келди***

**Гаяз АЛИМОВ. "Известия" газетаси.(2001 йил 4 май).**

Россия дипломатияси амалиётида илгари бундай воқеа юз бермаган: сўнгги уч йил давомида Ўзбекистон Президентининг Москвага буюрган иккинчи ташрифига давлат мақоми берилди. Албатта, бунда расмий протокол бузилгани аниқ. Бироқ, 3 май оқшомида Ислом Каримов "Внуково-2" ҳукумат аэропортида давлат ташрифига хос барча расмий тартиб-қоидаларга риоя қилинган ҳолда кутиб олинди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Ташқи ишлар вазирлигининг қонун-қоидага қатъий риоя қилувчи ходимларига энди юрак дориси ҳам ёрдам бермаса керак. Улар қанчалик қайғурмасин, ташвиш чекмасин, узоқ тарихга эга анъанавий дипломатик тартиб-қоида бузилди. Сабабки, давлат раҳбари лавозимида бўлган муайян шахс ўзининг раҳбарлик фаолияти давомида айнан бир мамлакатга икки марта давлат ташрифи буюриши ва ўша мамлакатда шундай мақомда қабул қилиниши мумкин эмас. Лекин бундай қоидадан мустасно ҳоллар ҳам бўлар экан.

Ўзбекистон раҳбари учун айнан шундай эҳтиром кўрсатилди. Кремль илк бор мисли кўрилмаган дўстона қадам қўйди ва буни шунчаки эмас, онгли тарзда қилди. Ислом Каримовнинг ташрифи арафасида Москвадаги дипломатик доиралар, айниқса, МДҲ давлатлари вакиллари бу ҳолдан ҳайрон бўлиб сўрашди: нима учун? Ўзбекистонлик дипломатлар усталик билан: "Сизларнинг президентларингиз ҳам Путин билан Каримовчалик қадрдон бўлсин-да", дея жавоб қайтаришди.

Ислом Каримов Москвага биринчи давлат ташрифи билан 1998 йилда келган эди. Ўшанда ҳам май ойининг илк кунлари эди. Унда В.Путин ҳали сиёсат майдонида танилмаган, Президент маъмуриятининг юқори мартабали ходимларидан бири эди. Фақат 1998 йилнинг июл ойида у ФСБ (Федераль хавфсизлик хизмати) директори этиб тайинланди. Ўшандан бошлаб В. Путин Россиянинг жанубий чегараларидаги хавфсизлик масалалари, шунингдек, Марказий Осиё оша келаётган жиддий таҳдидлар билан қатъий шуғуллана бошлади. Шундан сўнг, ФСБ директорининг Ислом Каримов билан норасмий учрашуви бўлиб ўтган, деган тахминлар бор. Ўзбекистон Президентини шахсан танийдиган одамлар унинг тўғрисўз, қатъиятли, тафаккури равшан киши, оқил раҳбар эканлигидан гапиришади. Гап ўз давлатининг хавфсизлиги ва мудофаасига бориб тақалганда — ҳеч нарсасини аямайди. Ландовурларга тоқати йўқ. Баъзан бир қараши билан амалдорни довдиратиб қўйиши мумкин. В. Путинга бундай кучли одамнинг ёқиши табиий. Шундай қилиб, улар тимсолида нозиктаъбли Шарқ ва рус-немис руҳи ўзаро тил топишди. Хуллас, улар бир-бирининг мақсад-муддаосини англаган одамлар. Россия Ташқи ишлар вазирлигида эса Ислом Каримовнинг мамлакатимизга ташрифи борасида протоколдан чиқиб кетилганлигини шундай изоҳлашди: "Ҳар икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги муносабатлар кўлами ва миқёси шундайки, биз бу борада мустасно қилишга мажбур бўлдик".

* * *

**«Известия» маълумоти:**

**Ҳар икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2000 йилда 1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бунда Ўзбекистондан Россияга қилинган экспорт 545 миллион долларни, импорт 464 миллион долларни ташкил этди. Экспортнинг асосий улушини машиналар ва жиҳозлар, пахта толаси, хизматлар, озиқ-овқат моллари ташкил этди. Импортда — машиналар ва жиҳозлар, кимё маҳсулотлари ва пластмасса, қора металл. Республикада 520 та Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, шунингдек, Россия Федерацияси фирма ва компаниялари рўйхатга олинган. Россияда эса Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 250 га яқин қўшма корхона мавжуд.**



## Комиссия йиғилиши

Куни кеча Президент Ислом Каримовнинг "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Фармонда таъкидланганидек, Ватанимиз ва халқимиз эркинлиги учун босқинчиларга қарши курашган, истибдод даврида озодлик сари интилган аждодларни, ёвуз кучлар тарихимизни, маданиятимизни йўқотишга ҳаракат қилганида элни маърифат ва ёруғлик сари ундаган, халқимизнинг ор-номуси, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилиш учун ҳаётини фидо этган, машаққатли курашларда қурбон бўлган инсонларни тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

Маълумки, мустабид тузум даврида маданият ва санъат арбоблари, зиёлилар билан бирга кўплаб оддий кишилар ҳам асоссиз равишда "халқ душмани"га чиқарилиб, қатағон қилинган, шу тариқа миллион-миллион одамларнинг уйи вайрон бўлиб, уларнинг ортида қолганлар эса хўрлик ва ситамларга гирифтор этилган эди.

3 май куни Тошкент шаҳрида Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига тайёргарлик кўриш бўйича тузилган комиссия йиғилишида мана шу ҳақиқат яна бир карра таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

## ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ

**Куни кеча матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжатга биноан, қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ҳар йили мамлакатимиз мустақиллиги байрами арафасида — 31 август куни Тошкентдаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида ўтказиладиган бўлди. Шу муносабат билан ЎзА мухбири "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси раиси, филология фанлари доктори, профессор Наим КАРИМОВ билан суҳбатлашди.**

— Аввало, мазкур Фармон истиқлолга эришган юртимизда тарихий адолатни, халқимизнинг қадимий миллий қадриятларини тиклаш борасида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган кўплаб хайрли ишларнинг мантиқий давоми эканини алоҳида қайд этмоқ керак, — деди Н.Каримов. — Юртбошимиз кўп бор таъкидлаганларидек, тарихсиз келажак йўқ, адолатни тикламасдан туриб эса адолатли жамият қуриб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу тарихий ҳужжат жамоатчилик томонидан жуда катта хайрихоҳлик билан кутиб олинди. У халқимизнинг кўнглидаги иш бўлди. Фармонда зикр этилган ишлар тизими юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ёшларни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш ва Ватанимизнинг буюк келажагини қуришга хизмат қилади.

Мазкур Фармон 1999 йил 12 майда Президентимиз томонидан имзоланган бошқа бир ҳужжат — мустамлака даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги Фармойиш ва шу асосда Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган махсус Қарорнинг узвий давоми бўлди. Таъкидлаш керакки, мустамлака зулмидан жабр кўрган бирор мамлакатда эл-юрт озодлиги йўлида қурбон бўлганлар, истибдод даврида қатағон этилганларнинг қутлуғ номларини тиклаш борасида бу қадар кенг қамровли ишлар амалга оширилмаган.

**— Қатағон қурбонларини ёд этиш маросимининг айнан 31 август куни — Мустақиллик байрами арафасида ўтказилишининг боиси нимада? Бу хайрли тадбир нега айнан шу куни ўтказилади? Бизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни ҳам бор...**

— Жавобни саволингизнинг охиридан бошласак. Одатда, Хотира ва қадрлаш куни иккинчи жаҳон урушида, фашизмга қарши жангларда жон фидо этган ватандошларимизнинг муборак номларини хотирлаймиз. Уруш фахрийлари ва фронт ортида фидойилик намуналарини кўрсатган ва ҳозир сизу биз билан бирга мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлаётган юртдошларимиздан кўнгил сўраб, ҳолидан хабар оламиз. Уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўямиз.

Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига келсак, маълумки, мустабид тузум даврида халқимизнинг энг кўзга кўринган вакиллари — давлат, маданият ва санъат арбоблари, зиёлилари билан бир қаторда кўплаб оддий кишилар ҳам "халқ душманига" чиқарилиб, қатағон қилинган. Шу тариқа миллион-миллион одамлар хонавайрон бўлиб, уларнинг ортида қолганлар эса хўрлик ва ситамларга гирифтор этилган. Биз уларнинг покиза руҳлари олдида абадий қарздормиз. Маълумотларга қараганда, ўтган давр мобайнида

(Давоми 2-бетда).

*Олий Мажлисда*

## Беш мингдан зиёд мурожаат тушди

Кеча Олий Мажлисда Омбудсман ҳузуридаги Инсоннинг Конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова бошқарган ушбу йиғилишда навбатдаги сессия кун тартибига киритилаётган масалалар, Вакилнинг 2000 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ва аниқ масалалар бўйича қилинган хулосалари кўриб чиқилди.

Унда таъкидланишича Вакил ўз фаолиятини давлат ва нодавлат тизимидаги идоралар билан ҳамкорликда олиб бориб, асосий эътиборни фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва бу борада мансабдорлар томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган. Сарҳисоб қиладиган бўлсак, ўтган йил давомида Омбудсман котибиятига фуқаролардан 5 мингдан зиёд мурожаатлар келиб тушган. Буларнинг асосий қисми назоратга олиниб, айримлари юзасидан хулосалар тайёрланган. Мурожаатларнинг аксарият қисмини суд ҳукмлари, қарорларидан норозилик, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари, турар-жой, ижтимоий масалалар ва меҳнатга оид низолар ташкил этган.

Ўтган йил давомида ушбу институт фаолиятини янада ривожлантириш борасида ҳам бир қатор ижобий ишлар қилинганлигини таъкидлаш ўринлидир. Жумладан, Омбудсманнинг вилоятларда минтақавий вакиллари иш бошлашди. Уларнинг ишлашлари учун қулай шароитлар яратилди. Эндиликда фуқаро узоқ вилоятдан пойтахтга келиб вақтини, маблағини кетказмайди. Балки, бу масала ўша жойнинг ўзида минтақавий Вакил билан ҳал бўлади. 2000 йилда минтақавий Вакилларга фуқаролар томонидан 239 та ёзма, 258 та оғзаки мурожаатлар тушган бўлиб, уларга амалий ёрдамлар кўрсатилган.

Йиғилишда бир қатор идоралар вакиллари иштирок этишиб, ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Анжуманда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Эркин МАВЛОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

